



СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

*Бабаева Наргиза Музафаровна,
Иқтисод фанлари номзоди, доцент
Қўқон давлат педагогика институти
Тошкент, Ўзбекистон*

THE INVESTMENT POTENTIAL OF INSURANCE COMPANIES AND THE FACTORS AFFECTING IT

*Babaeva Nargiza Muzafarovna,
Candidate of Economics, Associate Professor
Kokan State Pedagogical Institute
Tashkent, Uzbekistan*

JEL Classification: G2, G22

Аннотация. Мақолада замонавий шароитда суғурта компанияларининг молиявий ва инвестицион салоҳияти тушунчаларининг назарий асослари, суғурта компанияларининг молиявий салоҳиятини шаклланиши механизмлари, уларнинг инвестицион салоҳиятини кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омиллар омиллар ўрганилган. Шунингдек мамлакатимизда инвестициявий муҳитни яхшилаш, инвестицион фаолиятни жадаллаштириши учун суғурта соҳасида қабул қилинган қонуний асослар ва уларнинг ижроси натижалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: суғурта компаниялари, молиявий барқарорлик, инвестицион салоҳият, таъсир этувчи омиллар, инвестицион фаолият.

Кириш. Ўзбекистон суғурта бозорининг ижтимоий-иқтисодий ва давлат суғурта асосларининг демонополизация қилиш даври бошланиши билан баъзи илмий адабиётларда “суғурта компанияларининг молиявий салоҳияти” атамаси ишлатила бошланди. Ушбу атаманинг пайдо

бўлиши ундан кейин нисбатан янги тушунчалар ва атамалар шаклланиши оқибатида “суғурта компанияларининг молияси” соҳасидаги тадқиқотларнинг концептуал аппаратини аниқлаштириш ва такомиллаштиришни талаб қилиб қўйди.

Суғурта компанияси молиявий ресурсларининг ўзига хос шаклланиш хусусияти, тузилиши, шунингдек инвестиция фаолияти билан шуғулланишининг объектив зарурлиги ва суғурта компанияларининг давлат молия тизимига интеграллашуви молиявий салоҳиятни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга бўлган истак билан белгиланади ёки асосланади.

Материал ва метод. Суғурта компаниялари молияси маҳаллий ва чет эллик тадқиқотчиларнинг илмий асарларида молиявий салоҳият асосан, молиявий ресурслари тушунчалари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Бунда ҳар бир позиция оқилона асосга ва мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга, аммо шуни таъкидлаш керакки, молиявий ресурслар суғурта компанияси молиявий салоҳиятнинг асосий элементидир, лекин молиявий салоҳиятнинг ўзи эмас.

Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, суғурта компаниясининг молиявий салоҳияти – бу хўжалик фаолияти айланмасида бўлган суғурта компаниясининг молиявий ресурслари [9]. Бошқа бир манбада суғурта суғурта компаниясининг молиявий салоҳияти деганда – иқтисодий муомалада бўлган, суғурта операцияларини ва инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган молиявий ресурслар дейилади [10].

Яна бир қарашда молиявий салоҳиятга қуйидагича таъриф берилган: “суғурта компаниясининг ихтиёрида бўлган маблағлар унинг молиявий салоҳиятини белгилайди ва у суғурта ходисалари рўй берганда компаниянинг ўз мажбуриятларини бажариши” [11], шунингдек суғурта компаниясининг нормал ишлашини таъминлайди. Ушбу ресурслар жорий келиб тушган суғурта мукофотларини, шунингдек суғурта компанияси ихтиёрида бўлган ўз маблағлари ва жалб қилинган

капиталларини ўз ичига олади [12].

Юқорида кўриб чиқилган тарифларнинг фарқловчи хусусияти шундан иборатки, бунда асосий эътибор фақат суғурта компаниясининг молиявий салоҳиятини ташкил этувчи компаниянинг молиявий ресурсларига қаратилганидадир.

Хорижий суғурта фанларида ҳам суғурта компаниясининг молиявий салоҳияти соҳасидаги тадқиқотлар мавжудир. Хусусан профессор G. Lukars томонидан таклиф этилган суғурта компаниясининг капиталини шакллантириш ва ундан фойдаланиш механизмини кўриб чиқамиз (1-расм)

Бизнинг фикримизча, ушбу расмда суғурта компаниясининг молиявий салоҳиятини белгиловчи омиллар кўрсатилган, шунинг учун таклиф қилинаётган механизм суғурта компаниясининг молиявий салоҳияти моҳиятини ўрганиш ва уни бошқариш услубиётини ишлаб чиқаришда қўлланилиши мумкин.



1-расм. Суғурта компаниясининг молиявий салоҳиятини шаклланиш механизми¹

¹ G. Lukars Accounting and finance for managers in insurance. Course book 940. London, 1994.

Шундай қилиб “суғурта компаниясининг молиявий салоҳияти” тушунчаси ихтисослашган адабиётларда камдан-кам ишлатилсада, ишлатилган тушунчага нисбатан кенгрок маънони англатади.

Натижалар. Турли хил қарашларни ўрганиб чиқиб, биз суғурта компаниялари молиявий салоҳияти мазмунини янада чуқурроқ англаш тадқиқотларни давом эттираемиз. Суғурта компанияси капиталини шаклланиши жараёни бу суғурта фаолиятига молиявий ресурсларни жалб қилиш, улар ҳаракатини бошқариш, суғурта компанияси мажбуриятларни “молиялаштириш”, яъни исталган вақтда суғурта компаниясининг тўлов қобилиятини таъминлашини акс эттирувчи жараён сифатида қаралади. Суғурта компанияси томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш суғурта, инвестиция ва молиявий фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келади. Фаолиятнинг ушбу йўналишларидаги молиявий ресурслар ўзаро динамик равишда боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳаракати компания маблағларининг айланиши акс эттиради.

Суғурта мажбуриятларини қабул қилиш ва бажариш, яъни суғурта хизматларини тақдим этиш суғурта компаниясининг асосий фаолият тури бўлиб, бошқа кўшимча фаолиятларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келишига олиб келади. Бундан ташқари, молиявий ресурсларни шакллантиришда инвестиция ва молиявий фаолиятнинг роли суғурта фаолияти каби муҳимдир. Инвестиция фаолияти механизми кенг тан олинган фаолиятдир, шунингдек инвестициялар маълум даромадлар олишни таъминлаши керак. Ўзбекистон Республикасида суғурта

компанияларининг инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, инвестицион фаолият давлат томонидан қатъий тартибга солинади.

Суғурта компаниялари молиявий салоҳиятининг моҳиятини ўрганишда икки йўналишда, биринчиси “молиявий салоҳият” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, иккинчиси суғурта компанияларининг молиявий салоҳияти акс эттирувчи яхлит тушунчалар тизимини яратиш билан боғлиқ тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Бир томондан, суғурта компаниясининг молиявий салоҳиятини ҳозирги вақт илм-фанида кенг тарқалган ва устунлик қилиб келаётган молиявий манбалар (ресурс йўналиши) тўплами, жамланмаси сифатида кўриб чиқиш керак. Бошқа томондан эса суғурталовчининг молиявий барқарорлигини таъминлаш (самарали ва натижали йўналиш) нуқтаи назаридан молиявий салоҳият молиявий ресурслар, захираларни яратиш ва ривожлантириш қобилияти сифатида намоён бўлади. Юқорида билдирилган хусусиятлар ва тавсифларни бирлаштирган ҳолда молиявий салоҳият – бу компаниянинг молиявий ресурсларнинг мавжудлигига асосланган ҳолда ўз фаолиятини давом эттириш қобилиятидир деб тахмин қилишимиз мумкин. Пировардида, биринчи галда молиявий ресурсларнинг мавжудлиги суғурталовчининг салоҳияти ва ривожланишининг ички захираларидан фойдаланиш қобилияти билан белгиланади.

Суғурта компаниясини молиясини бошқариш бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибаларни умумлаштириш натижасида биз суғурта компанияси молиявий салоҳиятини ташкил этувчи

аппаратини аниқлаштириш ва тизимлаштириш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқардик. Молиявий салоҳиятни турли томонларини тавсифлаш учун ишлатиладиган терминалогияни тушинишда ягона

қарашнинг йўқлиги тушунча ва атамаларнинг бир-бирини инкор қилишга олиб келади, бу эса уни тизим сифатида бошқариш учун услубий воситалар танлашни мураккаблаштиради.

1-жадвал

Инвестицион салоҳиятнинг бевосита кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омилларнинг таснифи²

Инвестицион салоҳият ҳажмини акс эттирувчи кўрсаткичлар	Кўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар	
	Ташқи омиллар	Ички омиллар
Суғурта резервлари	<ol style="list-style-type: none"> Захираларни шакллантириш шартлари. Табиий, техноген ва бошқа турдаги офатлар 	<ol style="list-style-type: none"> Компаниянинг катта, кичиклиги. Суғурта мукофотларининг миқдори. Мувозанатли ёки мувозанатлашмаган суғурта портфелининг ҳолати. Тўланган суғурта мукофотлари миқдори. Инвестицион фаолият.
Ўз маблағлари	<ol style="list-style-type: none"> Давлат томонидан тартибга солиш. Устав капиталининг минимал миқдори. Компанияда солиқ юқининг миқдори 	<ol style="list-style-type: none"> Компаниянинг катта кичиклиги. Устав капиталининг миқдори. Суғурта компаниясининг молиявий ҳолати.
Суғурта мукофотларининг миқдори	<ol style="list-style-type: none"> Суғурталанувчиларнинг фаолияти ва ҳатти-ҳаракатлари. Суғурталанувчиларни қоник-тирадиган тариф ставкалари. Фаолиятнинг кенгайиши, филиаллар ҳисобига. Юридик ва жисмоний шахсларининг тўлов қобилияти 	<ol style="list-style-type: none"> Малакали мутахассислар таркиби. Суғурталанувчиларни қониктирадиган тариф ставкалари.
Суғурта шартномалари бўйича қопламаларининг миқдори	<ol style="list-style-type: none"> Кутилмаган ҳолатлар. Криминоген омиллар 	<ol style="list-style-type: none"> Суғурта турларининг зарарлилик даражаси. Суғурта портфели ва унинг таркиби. Зарарларни минималлаштириш бўйича

² Таҳлилий маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

		суғурта компаниясининг чора-тадбирлари.
Суғурта портфелининг таркибий тузилиши	<ol style="list-style-type: none"> 1. Суғурта бозорида суғурта турларига бўлган талаб. 2. Аҳолининг турмуш даражаси ва демографик ҳолат. 3. Иқтисодиёт тармоқларининг рентабиллик даражаси. 4. Оммабоплик ва компанияси хизматлари рекламасининг самарадорлиги 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Суғурта компаниясининг ихтисослашув йўналиши. 2. Суғурта шартномларининг миқдори. 3. Суғурта турларининг даромадлиги. 4. Суғурта ҳодисаларининг шартнома муддатлари давомида тақсимланиши
Суғурта шартномалари муддати	<ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодий самарадорлик. 2. Жисмоний шахсларнинг психологик ҳатта-ҳаракатлари 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Суғурта портфели ва унинг таркиби. 2. Суғурта компаниясининг психологик хатти-ҳаракатлари. 3. Суғурта хизматларини сотиш тизими.
Дебиторлик қарзлари миқдори	Суғурталанувчи томонидан тўлов шартлари ва муддатларининг бузилиши	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шартномаларни тузиш сиёсати. 2. Маблағларни айланиш ҳисоб-китоблари кўрсаткичи.
Капиталнинг етарлилик даражаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Акциядорларнинг қарз миқдори. 2. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Компаниясининг ўз маблағлари миқдори. 2. Суғурта компаниясининг номоддий активлар миқдори.
Капиталнинг рентабиллиги	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси. 2. Инфляция даражаси 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Суғурта компаниясининг. 2. Компаниянинг инвестицион фаолияти. 3. Зарарларни минималлаштириш бўйича суғурта компаниясининг чора-тадбирлари.

Молиявий салоҳиятни турли томонларини тавсифлаш учун ишлатиладиган терминалогияни тушунишда ягона қарашнинг йўқлиги тушунча ва атамаларнинг бир-бирини инкор қилишга олиб келади, бу эса уни тизим сифатида бошқариш учун услубий воситалар танлашни мураккаблаштиради.

Халқаро тажрибадан маълумки, суғурталовчилар ўз маблағлари ва суғурта захирасидаги пул маблағларини иқтисодиётнинг турли тармоқларига йўналтириш орқали йирик институционал инвесторга айланади. Бугунги кунда

дунёнинг йирик фонд бозорларида амалга оширилаётган операциялар ҳажми жиҳатидан суғурталовчилар кучли топ ўнталикдан жой эгаллаганлар. Шу нуқтаи назардан қараганда, иқтисодиётнинг тараққий этиши учун зарур бўлган инвестицияларни жалб этишда суғурталовчиларнинг салоҳияти ва имкониятидан самарали фойдаланиш айти мумкин.

Мунозара. 2018 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга муурожаатномасида қуйидаги фикрлар

алоҳида таъкидлаб ўтилганлиги диққатга сазовор: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди”[3]. Шу ўринда, мамлакатимизда инвестициявий муҳитни яхшилаш, инвестицион фаолиятни жадаллаштириш учун барча қонуний асослар яратилганлигини қайд этиш лозим. Хусусан, 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида “Суғурталовчилар инвестиция фаолиятини амалга оширишга, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишга ва бунда мазкур фаолият турини амалга ошириш учун суғурталовчининг лицензия олиши талаб қилинмайди”[1], деб кўрсатилган. Миллий суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти билан фаол шуғулланишлари учун мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестицион жараёнларни кенгайтириш ва кучайтиришга қаратилган давлат сиёсати катта имконият яратмоқда. Буни қуйидаги статистик маълумотлар таҳлилидан ҳам кўриш мумкин. 2020 йилда мамлакат суғурта ташкилотлари томонидан инвестиция объектларига йўналтирилган жами пул маблағлари ҳажми 3382,7 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, ушбу рақам ўтган йилнинг тегишли кўрсаткичидан 125,0 фоизга кўпдир. Суғурталовчилар инвестиция портфелини таҳлил этадиган бўлсак, унинг таркибида тижорат банкларига депозит сифатида қўйилган пул маблағлари 1818,1 млрд.сўмни ёки 2020 йилда барча

суғурталовчилар инвестиция портфелининг 53,8 фоизини ташкил этиб, ўтган даврга нисбатан 28,0 фоизга ортган [11]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда суғурта бозорини янги босқичда ривожланишини таъминлаш билан бир қаторда суғурталовчиларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Мазкур қарорга биноан тасдиқланган “2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»да суғурта ташкилотларининг инвестиция инструментлари рўйхатини кенгайтириш ва уларнинг, шу жумладан ипотека, лизинг ва микромолиялаш, қимматли қоғозлар ва бошқа бозорлардаги инвестиция фаолиятини ривожлантириш вазифалари қўйилган. Албатта, қўйилган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши миллий суғурта бозорини тараққий этишида ва уни жаҳон суғурта бозорига интеграциялашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, суғурталовчиларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш учун қуйидаги масалаларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Акциядорлик жамиятларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларини бирламчи бозорда харид қилиш учун суғурта ташкилотларига рухсат бериш.

2. Суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолиятини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида



такомиллаштириш.
3. Миллий суғурта ташкилотларининг республика фонд бозоридаги иштирокини кучайтириш.
4. Суғурта ташкилотларининг инвестиция сиёсатини давлатнинг инвестиция сиёсати билан уйғунлашувини таъминлаш.

Бизнинг фикримизча, юқорида баён этилган таклифларни амалиётга татбиқ этилиши суғурта ташкилотларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 2002 йил 5 апрель, 2012 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-323-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012 уй.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. ПҚ – 4412, 2019 йил 2 август
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 август.//<https://president.uz/uz/lists/wiew2228>.
4. Чернова Г.В. Основы экономики организации по рисковому видам страхования. СПб.: Питер, 2005.
5. Основы страховой деятельности: учебник / ред. Т.А. Федорова. М.: БЕК, 2001.
6. Шор И. М. Процессный подход к формированию финансовых ресурсов страховой компании // Вестник ВолГУ. Серия 3: Экономика. Экология. 2013. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessnyy-podhod-k-formirovaniyu-finansovyh-resursov-strahovoy-kompanii> (дата обращения: 25.10.2022).
7. Орланюк-Малицкая Л.А. Платежеспособность страховой организации. М.: АНКЛ, 1994.
8. G. Lukars Accounting and finance for managers in insurance. Course book 940. London, 1994.
9. Чернова Г.В. Основы экономики организации по рисковому видам страхования. СПб.: Питер, 2005.
10. Основы страховой деятельности: учебник / ред. Т.А. Федорова. М.: БЕК, 2001.
11. <https://www.mf.uz>
11. Шор И. М. Процессный подход к формированию финансовых ресурсов страховой компании // Вестник ВолГУ. Серия 3: Экономика. Экология. 2013. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessnyy-podhod-k-formirovaniyu-finansovyh-resursov-strahovoy-kompanii> (дата обращения: 25.10.2022).
12. Орланюк-Малицкая Л.А. Платежеспособность страховой организации. М.: АНКЛ, 1994.